

МУҲАББАТ СОДИҚОВА,
МУҲАББАТ РАЖАБАЛИЕВА

МУМТОЗ
АДАБИЁТ
МУҲИБИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2014

УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Ў)

С-75

Содиқова, Муҳаббат

Мумтоз адабиёт муҳиби / М.Содиқова, М.Ражабалиева.
–Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. 160 б.

ISBN 978-9943-27-348-1

Адабиётшунос олим Поён Равшанов ярим асрдан буён мумтоз адабиёт соҳасида фаолият кўрсатиб келади. Салоҳиятли, хассос тадқиқотчи сифатида у кўплаб мақолалар, илмий-услубий қўлланмалар, салмоқли монографиялар яратишга муваффақ бўлди. Ўтмиш маданий ва адабий ҳаётини теран тадқиқ этиш, мустабид тузум даврида юзага чиқарилмаган ижодкорлар адабий меросини ўрганиш илм-фанга сезиларли самаралар берди.

Рисолада устоз алломанинг ўзига хос илмий йўли, тадқиқотчилик қирралари, асарлари талқин ва таҳлил этилади. Китоб адабиётшуносларга, ёш изланувчиларга, бадиният ихлосмандларига мўлжалланган.

УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Ў)

Тақризчилар:

Нафасхон ШОДМОНОВ,
филология фанлари доктори
Шаҳноза ҚАХҲОРОВА,
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-27-348-1

© М.Содиқова, М.Ражабалиева. «Мумтоз адабиёт муҳиби».
«Янги аср авлоди», 2014 йил.

КИРИШ

Мен бу олимни жуда ҳурмат қиламан, у ҳақиқий ватанпарвар, фидойи инсон. Ёзган асарлари, «Қашқадарё тарихи» орқали ёшларимиз ўтмишни ўрганаётирлар. Поён Равшановнинг китобларини мактабларда ўқитишимиз, ҳурмати ва хизматини жойига қўйишимиз керак.¹

Ислом КАРИМОВ

Мумтоз адабиётнинг ўрганилиши тарихидан. Қашқадарё воҳаси қадимдан маданият ва илм-фан бешикларидан бири бўлган. Турон заминида Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Хива, Шош (Тошкент) каби шаҳарлар ўтмишда юксалган. Насаф ва Кешда ҳадисшунослик, фикҳшунослик ва бошқа фанлар билан бир қаторда тилшуносликка, ижодиётга бағишланган асарлар вужудга келган. Эндиликда, фан оламига юртимизнинг бу икки шаҳрида IX–X асрлардан эътиборан то XX аср бошларига қадар илм-фан, ижод билан машғул бўлган, номлари Шарқ мамлакатларига кенг ёйилган юздан ортиқ Насафийлар, йигирмага яқин Кешийлар исми шарифлари яхши маълум.

Ўрта Осиёда илк ўрта асрларда 4 та ҳадисшунослик мактаби вужудга келган. Улар Самарқанд,

¹ 2003 йил 31 июлда Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашувда сўзланган нутқидан. // «Қашқадарё» газетаси, 2003 йил 23 август; Олим Равшанов. Эътироф. –Т.: 2004, 4-бет.

Бухоро, Насаф ва Марв шаҳарларида X асрларда шаклланган эди. Манбаларда келтирилишича, X асрда Насаф шаҳрида мусулмон оламининг етакчи олимларини жамлаган «Мажлис тадрис» — ўзига хос илмий анжуман бўлиб ўтган. Бу илмий йиғинда Маккадан келган муталлизийлар йўлбошчиси Каъбайй ҳам иштирок этган.

Воҳамизда дунёвий фанлар, ёзма адабиёт ҳам шу даврларда ривожлана бошлаган. XIV асрда – мўғуллар ҳукмронлиги давом этаётган йилларда Бухоро, Насаф, Кеш ва юртимизнинг бошқа жойларида бўлган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттутанинг бир далили шу жиҳатдан аҳамиятли. Ибн Баттута Мовароуннаҳр султони Алоуддин Тармаширин (1326-1334) ҳукмронлик қилиб турган вақтда бу ерларда саёҳатда бўлган, олимлар, шоирлар, ҳофизлар ва Тармаширинхон билан ҳам учрашган. Сайёҳ олимнинг эътирофи этишича, у Бухорода, шайх Яҳё ал-Бохарзийнинг уйида қабул қилинган: «Шайх мени ўз уйида қабул қилди, — деб ёзади Ибн Баттута, — шаҳарнинг обрўли кишиларини тўплаб зиёфат берди, қорилар ажойиб овозлари билан Қуръондан қироат қилдилар, воиз эса амри маъруф этди. Ҳофизлар **туркий** ва **форсий** тилларда жуда яхши қўшиқлар айтдилар. Биз учун бу энг фаройиб кечалардан бири бўлди»¹.

«Туркий тилда»ги қўшиқларни «жуда яхши» айтиш тарихи, шубҳасиз, узоқ асрларни қамраган. Қўшиқ мусиқа билан жўрликда ижро этилган. Ижро учун газаллар танлаб олинган. Мўғуллар босқинидан кўп асрлар олдинроқ шаклланган ёзма адабиётимиз Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирго-

¹ Ибн Баттута. Саёҳатнома («Тухфат ан-нуззор фи гароиб ал-амсор ва ажойиб ал-афсор»). –Т.: «Шарқ», 2012, 368-бет.

ний, Рабғузий, Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий сингари она тилимизда назмиётни юксакликка кўтарган шоирларни, адибларни етиштирганди.

Қашқа воҳасида IX–XII асрларда Абу Макхул ан-Насафий, Шаҳобиддин Насафий сингари шоирлар зуллисонайн ижодкорлар сифатида танилган эди. Зиёуддин Нахшабий, асли Кешга туташадиган Хисрав Деҳлавий сингари шоирлар мўғул истибдодидан сўнг тарки ватан қилишга мажбур бўлган. Насаф ва Кешда, Фудина, Касби, Фазли сингари манзилларда иқтисодий ва маданий ҳаёт ўзаро чамбарчас ривожланган. Бу хилдаги мувофиқликни кейинги асрларда ҳам кузатиш мумкин бўлади.

Адабий-маданий ҳаёт тараққиёти мамлакат миқёсига хос хусусият ҳисобланади. Қадимдан, ўрта асрлар ва Темурийлар даврида, XVI–XX асрлар давомида ижтимоий-иқтисодий ва маданий-адабий уйғунлик ҳаётини омиллар бўлиб келди. Сиёсий бўҳронлар, ташқи босқинлар ва бошқа қатор сабабларга кўра айрим даврларда бу уйғунлик барҳам топиб, тараққиёт таназул билан ўрин алмашганини ҳам таъкидлаш ўринли. Ўзбекистоннинг жанубий воҳаси бўлган Қашқа воҳасида ҳам ватанимизда юз берган воқеа-ҳодисалар, маданий юксалишлар, адабий-ижодий муҳит билан боғлиқ жиҳатлар амалда бўлди. Одатда, илмий-ижодий муҳит йирик шаҳарларда-пойтахтларда, айниқса, тараққийда ва барқарорликда бўлади. Бу ҳолни милоддан кейинги асрларда Сўғд ва Кушон мулкларининг асосий шаҳарларидан саналган Кеш ва Насаф мисолида ҳам кўриш мумкин бўлади.

Юрт бошига тушган талотўплар, истилолар, ўзаро ҳокимият талашувлари, мамлакатимиз тарихида бўлгани каби Қашқадарё воҳаси ўтмиш

маданиятини, бадииятини издан чиқарган ҳоллар кўп. Қадимшунослик осори атиқалари, обидалар кам сақланиб қолди. XX асрга қадар етиб келганлари эса мустабид Совет ҳокимияти йилларида қатағон домига тушиб, йўқликка юз тутди. Совет мафқураси мазлум этилган халқлар тарихини, маданиятини, ижодкорлари адабий меросини оёқости қилиш, тан олмаслик, тескари баҳолаш сиёсатини ўтказиб келди. Бундан халқимизнинг узоқ асрлар мобайнида сайқал топган бадий адабиёти ҳам четда қолмади. Ўтмишда яшаб ижод этган шоир ва адибларнинг ислом, тасаввуф асосида, тўғрилиқ, ҳалоллик, ўзгалар ҳақида хиёнат қилмаслик, одамийлик, олижаноблик, касб-кор, меҳнат, ҳурфикрлик ҳақидаги қарашлари, асарлари бадбинлик, хурофот деб эълон қилинди. Халқни бирликка, ўзаро ҳурматга даъват этиб келган, тажовузга, талашга қарши руҳдаги ижодиёти билан машҳурлик касб этган сиймоларни «реакцион» деб қоралашга зўр берилган эди. Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр каби халқимиз орасида ҳурматга ноил бўлган шоирларни ўрганиш тақиқлаб қўйилган эди.

Қашқа воҳасининг Касби қишлоғида туғилиб ўсган, Бобораҳим Машрабга издош бўлган Ҳофиз Рўзибой Машраби Соний ҳам мустабид Совет тузуми даврида реакционерлик тамғаси босилган шоирлар сирасига кирар эди. Умуман олганда, Қизил салтанат йилларида ўз шаҳримиз ёки ўз шоиримиз, адиб ва олимимиз, давлат арбобларимиз тўғрисида ёзиш, уларни ўрганиш, тарғиб этиш «маҳаллийчилик», «маҳдудлик», «миллатчилик» дея кескин қораланар эди. Шу сабабли ҳам, юртимизда, жумладан, Қашқадарё воҳасида ўтмишда ижод этган кўплаб адиб ва шоирлар меросидан воқиф бўлмасдан келинди.

Қашқадарё ватанимизнинг йирик иқтисодий вилоятларидан бири сифатида, қадим даврлардан эътиборан маданияти юксалган воҳалардан бири бўлиб келган. Бу воҳадан олимлар, ижодкорлар, улуғ давлат арбоблари, ватанпарвар сиймолар кўплаб етишган. Мустабид тузумлар – Чор Россияси ва Совет ҳокимияти ҳукм сурган XIX асрнинг ўрталаридан то XX асрнинг 90-йилларига – Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар Қашқадарё қолоқ бир маъво сифатида талқин этилди. 1920 йилнинг сентябрига қадар Бухоро хонлиги таркибида бўлган Қашқадарё воҳасигина эмас, балки бутун хонлик, Туркистон мингйиллик қолоқликда, Совет ҳокимияти ҳукмронлик қилгунга қадар ўзгаришсиз қолиб келган эди, дейилади Совет тарихчилари асарларида. «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар, сиёсий қурилма, маданият ва таълим аҳволи, — дейилади бир манбада, — амирликда минг йил олдин қандай бўлса, XX аср бошларида ҳам шу ҳолида қолиб келди»¹. Туркистондаги «абдий феодализм» гоёси вақтида академик В.В. Бартольд томонидан айтилган бўлиб, мустабидлар манфатидан келиб чиқиб, улар иродасини ифода қилишга қаратилган эди, Маҳаллий халқларни «маданиятли, маърифатли қилиш» шиори номигагина бўлиб, унинг соясида мазлум ўлкаларда шакланган илм-фан, маданият, санъат ва адабиётни – маънавиятни йўқ қилишдек машъум сиёсат амал қиларди.

Совет ҳокимияти 74 йил ҳукм сурди. Оқ ва Қизил салтанатлар миллий ўлкалардаги қадрият-

¹ Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. – Тошкент: «Фан», 1968, 7-бет.

ларни қанчалик йўқ қилишга уринмасин, уддадан чиқа олмади. 1991 йилда Ўзбекистоннинг сийёсий мустақилликка эришуви тарихимиз, мумтоз адабиётимиз, бир сўз билан айтганда, асрий маънавиятимиз қаддини тиклашига йўл очди. Эндиликда, Ўзбекистоннинг янги тарихи яратилди, вилоятларнинг, туманларнинг, қадимий, катта қишлоқларнинг ўтмиши ҳақида ҳам кўплаб асарлар вужудга келди. Имом Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий, Мотуридий каби буюк ислом алломалари мероси кенг ўрганилди. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз, Қарши, Хива, Марғилон шаҳарларининг юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. Амир Темур, Жалолиддин Мангубердидек элимизнинг даҳо сиймолари обрў-эътибори тикланди. Ўтмишни, мозийни аслига монанд ўрганиш ҳамма соҳада изчил давом этиб келаётир. Муҳими, вилоятлар ва улардаги йирик манзилларда қарор топган маънавият, мумтоз адабиёт манбалари катта қамровда ўрганила бошланди.

Мустабид Қизил салтанат ҳукм сурган йилларда мумтоз адабиёт намуналари «танқидий» равишда ўрганилар эди. Алишер Навоий асарлари ҳам «коммунистик ғоя» андозасига мослаб ўқитиларди. «Хамса», «Ҳазойин ул-маоний» асарлари узук-юлуқ ҳолга келтириллар, ўнлаб «ноқулай» қисмлар олиб ташланиб, нашр этилар эди. Шу сабабли ҳам, Совет даврида яратилган мумтоз адабиётга доир аксар асарлар нашри савияси бугунги кун талабига жавоб беролмай қолди. Ижодий метод, ижобий ва салбий образ талқини совет мафкураси қолипига қатъий тарзда мувофиқлаштирилиши шарт эди. Мумтоз адабиётнинг энг нодир асарлари тўлиқ, мукамал ҳолда нашр этилмагани, боблар (ҳамд, наът, муножот) тушириб қолдирил-

ганидек, тадқиқотлар ҳам «социалистик реализм» талабларига мослаштириларди. Бу хил ғоявий тўсиқлар мумтоз адабиётни – халқимизнинг ўтмиш маданий меросини тўлақонли тасарруф этишга атайин имкон бермаслик учун ўрнатилган назорат мурватлари эди.

Қашқадарё воҳасининг ўтмиш маданий-адабий ҳаёти. Ўтган асрнинг 60-йилларига қадар ўзбек мумтоз адабиётининг йирик бўғинларидан бири – Қашқадарё адабий муҳити деярли ўрганилмасдан келган эди. Бу воҳада ёзма адабиёт намуналари эрта шаклланган, IX–X асрларда Абу Макҳул ан-Насафий, Шаҳобиддин Насафий, Нажмиддин ан-Насафий, Ҳофизиддин ан-Насафий каби шоирлар ижоди кенг ёйилган эди. XIII–XIV асрлардан — XX аср бошларига қадар Зиёуддин Нахшабий, Мир Қарший, Абулбарақа Фироқий, Мавлоно Сойилий, Ломей Насафий, Сайидо Насафий, Муштоқ Шаҳрисабзий, Хиромий, Тоҳира Насафий, Рожий Шаҳрисабзий сингари йигирмадан ортиқ ижод аҳли исми шарифи, асарлари маълум ва машҳурлик касб этганди.

Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, XVIII–XX асрларда Қашқа воҳасидан Миршариф Неъматуллоҳ Касбигий, Ҳофиз Рўзибой Машраби Соний, Хаёлий, Ботирхўжа Холис, Аваз Бадал Маҳзун Шаҳрисабзий, Файзуллоҳ Равнақий, Абдулла Гулшаний каби ўнлаб етук шоирлар, адиблар етишиб чиққан.

Ўтмишда Қашқадарё воҳасида, айниқса, Насаф-Қарши, Кеш-Шаҳрисабз, Яккабоғ ва бошқа мавзеларда кўплаб хаттотлар етишган. Алишер Навоий асарларини кўчириш амалга оширилган. Саидназар Насафий, Иброҳим Девона Шаҳрисабзий, Бобобек Иштабир, Муқима отин, Муҳаммад

Латиф ва яна қанча котиблар, хушнавис хаттотлар ўзбек мумтоз адабиётининг энг нодир намуналарини кўчириб, қўлёзмалар шаклида авлодларга мерос қолдирган.

Ўзбек адабиётининг салмоқли қисмини ташкил этувчи Қашқа воҳаси адабий ҳаёти, афсуски, мустабид Совет даврида деярли эътиборни тортмади. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида эҳтиром билан тилга олиб ўтган Мир Қарший Хитойй, Мавлоно Сойилий, Абулбарака Фироқийлар ҳам ўз авлодларига узоқ вақтлар номаълумлигича қолиб келди.

Қашқадарё вилоятида адабиётшунослик фани олий таълим муассасаси ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланиш йўлига кирган эди. Олий таълим муассасаси – педагогика институти ўтган асрнинг 40-йиллари охирида филиал тарзида (Бухоро давлат педагогика институти) ташкил топган эди. Унинг мустақил олий ўқув юртига айланиши эса 50-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Тошкентда Республика Фанлар академиясининг илмий-текшириш институти мавжудлигига қарамай, Қашқадарё воҳасида узоқ асрлар давомида ўз ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган адабий ҳаёт ўрганиш доирасига кирмасдан қолиб келди.

Қарши давлат педагогика институтида таълим ва таҳсил асосий ўринга қўйилган, илмий тадқиқотчилик ҳали тетапоя даражасида бўлиб, кўп йиллар шундай даражада давом этди. Табиийки, илмни олимлар, олимларни эса илм-фан юзга чиқаради. Шу жиҳатдан, ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи мутасаддилигида мунтазам нашр этиб келинган «Адабий мерос» мажмуасида келтирилган



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/2270> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2270> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2270>